Ушбу сонда:

2 КАСАБА УЮШМАЛАРИ БОЗОР ШАРОИТИДА

3 МАҲАЛЛА – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АСОСИ

4 ЎЗБЕК КУРАШИ ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯДА



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

UZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 4 ноябр, сешанба № 171 (1596)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


***Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.***

***Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IX боб 39-моддаси.

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ





*Ўзбекистон АҚШ билан стратегик ҳамкорлик ўрнатган саноқли давлатлар сирасига киради. 11 сентябр воқеаларидан кейин АҚШ раҳбарлигида халқаро коалиция тузилиб, Афғонистондаги террор ўчоқларига барҳам бериш учун кураш бошлангач, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамлана бошлади. Террорчилик хуружини ўз бошидан кечирган Ўзбекистон халқаро коалицияни биринчилардан бўлиб қатъий қўллаб-қувватлади. Ўзаро ишонч, мақсадларнинг муштараклиги Ўзбекистон ва АҚШни стратегик ҳамкорларга айлантирибгина қолмай, ўзаро алоқаларни муттасил ривожлантиришга йўл очмоқда. Таниқли сиёсатшунос Збигнев Бжезинскийнинг юртимизга ташрифи бу фикрнинг яна бир тасдиғидир.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 ноябр куни АҚШнинг Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази консултанти, АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича собиқ маслаҳатчиси З.Бжезинскийни қабул қилди.

- Биз сизни нафақат АҚШ, балки жаҳон ижтимоий-сиёсий ҳаётида таниқли арбоб деб биламиз,- деди Ислом Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан. - Ушбу учрашув Ўзбекистон-АҚШ муносабатларига доир қатор масалаларни яна бир карра илмий ва сиёсий нуқтаи назардан муҳокама этишга яхши имкон яратмоқда.

З.Бжезинский 1928 йили Варшавада туғилган ва кейинчалик АҚШ фуқаролигини олган. Сиёсат оламида катта нуфузга эга арбоб. Унинг тадқиқот ва таҳлилий мақолаларига жаҳон сиёсатчиларининг қизиқиши катта. У ўзининг аксарият тадқиқотларини АҚШнинг ташқи сиёсатдаги стратегияси ҳамда шўролар тузуми таҳлилига бағишлаган. 1977-1981 йиллари АҚШнинг ўша пайтдаги президенти Жимми Картернинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлган.

З.Бжезинский дунёнинг турли минтақаларидаги сиёсий вазиятларни теран таҳлил қилади. Шу боис АҚШ раҳбарлари унинг ташқи сиёсат борасидаги фикр-мулоҳазаларини юксак қадрлайди. У Ўзбекистон минтақамизда муҳим ўрин тутишини таъкидлаб, биз билан ҳамкорлик АҚШ манфаатлари учун муҳим аҳамиятга эгалигини концептуал асослаб берган.

Бу шахснинг мамлакатимизга ташрифи ва давлатимиз раҳбари билан учрашуви катта воқеадир. Зеро, у Президент Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, узоқни кўзлаб юритилаётган ташқи ва ички сиёсат, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда ўзига муносиб ўрин топиши, жамиятимизнинг сиёсий-ижтимоий ва демократик шаклланиши, иқтисодиётимиздаги юксалиш жараёнлари жаҳон сиёсатчиларининг диққат марказида турганини кўрсатади.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқалар, минтақада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро терроризмга қарши кураш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА)**

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 ноябр куни Оқсаройда Украина ташқи ишлар вазири Константин Грищенкони қабул қилди.***

- Биз Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги муносабатларга ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қараймиз, - деди мамлакатимиз раҳбари учрашувда. - Давлатларимиз ўртасида барча соҳаларда йўлга қўйилган самарали ҳамкорлик катта истиқболга эга.

Стратегик ҳамкорлик тамойилларига асосланган Ўзбекистон-Украина муносабатлари икки мамлакат томонидан ҳам юқори баҳоланади ва қадрланади. 1992 йилдан буён ҳозиргача икки давлат ўртасида тўққиз марта олий даражадаги ташриф амалга оширилгани ва ўзаро бир юз ўттиздан зиёд ҳужжат имзолангани ҳам ушбу алоқаларнинг анъанавий дўстлик, ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат асосида ривожланаётганини тасдиқлайди.

1997 йилнинг мартида икки давлат Президентлари Ўзбекистон билан Украина ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳукуматлараро қўшма комиссия ташкил қилишга келишиб олган ва бу тўғрида протокол имзолаганди. Шундан буён мазкур комиссия мунтазам мажлис ўтказиб, долзарб масалаларни муҳокама этиб келади. Унинг шу йил январда бўлиб ўтган бешинчи мажлисида савдо, ёқилғи-энергетика, транспорт, фан-техника, таълим ҳамда сайёҳлик ва маданият соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўрилди. Айтиш жоизки, ҳозирги кунда мазкур соҳаларда алоқалар кўлами тобора кенгаймоқда.

Ўзаро савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам ривожланиб бораётир. Жорий йилнинг саккиз ойи якунларига кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 238 миллион АҚШ долларидан ошган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўттиз фоиз кўпдир.

Мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик борасида доимий равишда маслаҳатлашувлар ўтказади. Ўзбекистон ва Украина БМТ Хавфсизлик кенгашини ислоҳ қилиш ва уни халқаро хавфсизликнинг замонавий тизимига мослаштириш юзасидан ҳамфикрдир.

Украина Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Ўзбекистон-Украина муносабатлари ҳамда мамлакатларимизнинг халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасидаги ҳамкорлигига оид, шунингдек, минтақамизда ва халқаро майдондаги бугунги вазият билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашилди.

**(ЎзА)**

## *Таҳририятга хат*

Тошкент шаҳридаги 8-сонли Автосарой очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида 62 та замонавий «Мерседес-Бенц» автобуслари, шунингдек, «Дэу», «Караса», «Отойўл» ва бошқа транспортлар шаҳарликлар ва меҳмонлар узоғини яқин қилмоқда. Бу ерда ишчи-ходимлар учун барча шарт-шароитлар, сауна, ошхона, маънавият ва маърифат хонаси, техника хавфсизлиги ҳамда дам олиш хоналари мавжуд. Айниқса, республикамиздаги турдош корхоналарда учрамайдиган техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси хонаси ташкил этилган. Техника хавфсизлиги бўлими муҳандиси, тажрибали мутахассис Болтабой Бобожоновнинг таъкидлашича, ички имкониятлардан фой-

### ПИРОВАРД НАТИЖА УЧУН

**барча масъул**

даланиб ташкил этилган хонада барча йўл-йўриқлар ҳамда меъёрий талаблар ташкил этилган. «Мерседес-Бенц» автобусларига техник хизмат кўрсатиш маркази ҳамда 8-сонли Автосарой чилангарлари ҳамда ҳайдовчилари шу ердан барча керакли техник маълумотларни оладилар. Шу боис бу автосаройда тартиб ва интизом ўрнак оларли даражада. Шунингдек, барча шарт-шароитлар муҳайё этилган бу хонадан пойтахтдаги турдош корхоналар мутахассислари билан бир қаторда республикамиздаги кўплаб автокорхоналар ходимлари тажриба алмашиб, андоза олиб қайтишмоқда.

Автосаройдаги шинамлик ва озодагарчиликдан ўрнак олса арзийди. Корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси раиси Зокир Одиловларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли жамоа илғорлар сафидан ўрин олиб, ходимлар доимо рағбатлантириб келинмоқда. Автосаройнинг 20 йиллигини нишонлаш учун бу ерда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Янги АЁҚШ қурилиши ҳамда деворий плакатлар байрамда корхонага янгича кўрк бағишлайди. Ишчи-ходимлар, ҳайдовчилар, чилангар ва кондукторларнинг ижтимоий ҳимояси доимий эътиборда. Уларнинг ойлик маошларига овқатланиш учун қўшимча 10 минг сўм миқдорида пул мукофоти ҳар ойда бериб борилади. Моддий манфаатдорлик яхши йўлга қўйилган бу корхонада ишчи-хизматчиларнинг меҳнатга муносабатлари кундан кунга ортиб бормоқда.

Автосаройда барча байрам кўнгилдагидек нишонланади. Уларнинг туғилган кунлари ҳам касаба уюшма қўмитаси ва маъмурият томонидан нишонланиб, меҳнатлари эъзозланади. Бу анъана бир неча йилдан буён давом этиши уларнинг кайфиятларини доимо чоғ қилиш билан бирга барчани фидойилик билан меҳнат қилишга ундайди. «Дўстлик», «Оқтепа» каби маҳаллаларидан ҳам автосарой доимо беминнат ёрдамини аямайди. «Обод маҳалла йили» муносабати билан юқоридаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар учун 450 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Бошқа тадбирлар ва ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимояси учун корхона томонидан шу кунгача 10 миллион 500 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

**Обид АЛИЕВ, чилангар, «Шуҳрат» медали соҳиби**

### МАҲОРАТ МАКТАБИ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгашининг Андижон бирлашган техника мактаби яқинда намунали деган номни қўлга киритди.

Ҳозир бу ерда 175 нафар курсант етти мутахассислик бўйича таҳсил олмоқда. Мудофаа жамиятининг етакчи муассасаси қуролли кучлар, халқ хўжалиги тармоқлари учун кадрлар тайёрлайди. Мустаҳкам моддий-техника базаси, малакали педагогик жамоа ўз ишини яхши биладиган мутахассисларни тайёрлаш имконини бермоқда. Техника мактаби бир неча бор вилоят ва республика кўрикларининг ғолиби бўлган, «Ватанпарвар» ташкилоти бўлинмалари орасида энг яхшиси деб топилган.

Мактабда касб эгаллашни истовчилар доим кўп. Ўтган ўқув йилининг ўзида 425 нафар мутахассис тайёрланди. Баҳорда турли йўналишлар бўйича навбатдаги қабул ўтказилади.

### МУНОСИБ СОВҒА

Нурота тумани марказида қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрлайдиган касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. Туман ёшлари бу ерда зоотехник, ветеринар, фермер, иқтисодчи каби йўналишлар бўйича билим олади.

900 ўринли билим даргоҳини «Шодия» кўп тармоқли қурилиш корхонаси бунёд этди.

### ҚОРАЎЗАКЛИКЛАР ЮТУҒИ

Мамлакатимизнинг энг шимолий ҳудудида деҳқончилик қиладиган қораўзаклик пахтакорлар Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб йиллик шартнома режасини бажарди. Қабул пунктларига 3 минг 500 тонна хомашё етказиб берилди.

**(ЎзА)**

*«Ишонч» га жавоб берадилар*

## ТАНҚИД ТАН ОЛИНДИ

***Газетамизнинг 2003 йил 10 октябр сонида чоп этилган «Лоқайдлик» (Боёвутда қандай илдиз отди?) мақоласи юзасидан Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Боёвут туман қўмитаси раиси Бахтиёр Хўжамқулов имзоси билан жавоб олинди. Унда шундай дейилади:***

Мақола таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари туман қўмитасининг Раёсати йиғилишида ўрганиб чиқилди ва кўрсатиб ўтилган камчиликлар тўғри деб топилди.

Йиғилишда камчиликларни тугатиш бўйича тадбир ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан ажратилган 15 фоизли рағбатлантириш пулларининг таълим ходимларига тўланишини назорат қилувчи ишчи гуруҳи таркибига ўзгартиришлар киритиб қайта тузилди.

Боёвут туман прокуратурасига таълим ходимларига иш ҳақи ва бошқа тўловлардан муддати ўтиб кетган қарзларнинг тўланишини назорат қилишни сўраб махсус хат юборилди.

Халқ таълими бўлими таъминотчиси Рустам Рауповга 21-,40-, 44- мактаблар ҳамда 3-Боёвут ширкатлар уюшмасида жойлашган 29-болалар боғчасини юмшоқ ва қаттиқ ўқув жиҳозлари билан таъминлашда ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилди.

Хизмат вазифасига лоқайдлик учун ила ёндошгинликлари 40 ва 21-мактаб директорлари ва 29-болалар боғчаси мудираси интизомий жазо чораси кўриш туман халқ таълими бўлими маъмуриятидан сўралди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари туман қўмитаси таълим муассасаларида келгусида «Таълим тўғрисида»ги Қонун талабларининг бажарилишини таъминлаш учун барча имкониятни ишга солади.

***Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида ўтказилган I Афро-Осиё ўйинларида спортчиларимиз юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Айниқса, бокс ва футбол бўйича беллашувлар минглаб спорт мухлис ва мутахассислари эътиборида бўлди.***

## ЎЗБЕКИСТОН - АФРО-ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

Терма жамоамиз ғазнасига энг кўп медални чарм қўлқоп усталари келтирди. Боксчиларимиз - Дилшод Маҳмудов, Бахит Сарсекбаев, Ўткир Ҳайдаров, Баҳодир Султонов, Рустам Саидов ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлуб этиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Тажрибали боксчилар - Сергей Михайлов ҳамда Икром Бердиевга бронза медали насиб этди.

Равил Начаев 50 метр масофага ўтказилган сузиш баҳсида маррага биринчи етиб келиб, чемпион унвонини қўлга киритди. Сузувчиларимиз - Олег Пухнатий, Александр Агафонов, Пётр Васильев ҳамда Темур Эргашев 4х200 метрлик эстафетада учинчи ўринни эгаллади.

Ўқотар Вячеслав Скромов 50 метр масофадан нишонга отиш беллашувида кумуш медал соҳибига айланди.

Афро-Осиё ўйинларида футболчиларимиз эришган муваффақият ишқибозларни беҳад қувонтирди. Ҳиндистон майдонларида юртимиз шарафини шу йилнинг 27 ноябр - 19 декабр кунлари Бирлашган Араб Амирликларида ёшлар ўртасида ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этувчи Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳимоя қилди.

Виктор Борисов бош мураббийлик қилаётган ёшлар терма жамоаси гуруҳ баҳсларида Эрон ва Буркина-Фасо вакилларини бир хил - 1:0 ҳисобида енгиб, Зимбабве билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнагандан сўнг ярим финалга чиққанди.

Ҳамюртларимиз ярим финалда Африканинг яна бир кучли вакили - Руандага қарши майдонга тушди. Учрашув жуда кескин ва муросасиз кечди. Ўйиннинг асосий вақти 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди. Рақиб дарвозасига тўпни «Нефтчи» аъзоси Мансур Саидов киритди. Ғолиб қўшимча вақтда аниқланди - «Машъал» аъзоси Константин Боев «олтин гол»ни уриб, терма жамоамизни финалга чиқарди - 2:1.

Финалда вакилларимиз Зимбабвени 5:3 ҳисобида мағлуб этган Ҳиндистон миллий терма жамоаси билан куч синашди. Ўзбекистон футбол федерациясидан маълум қилишларича, унда иқтидорли футболчи Ислом Иномовнинг ҳиндистонликлар дарвозасига киритган ягона голи вакилларимизнинг ғалабасини таъминлаган - 1:0. Шундай қилиб, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Афро-Осиё ўйинлари чемпиони бўлди.

Беш учрашувдан тўрттасида ғалаба қозониб, биттасида дуранг натижага эришган футболчиларимиз Африка ва Осиё терма жамоалари билан куч синашиб, маҳоратини оширди. Қолаверса, уларнинг ўз кучига ишончи янада ортди. Албатта, Ҳиндистондаги ўйинларда орттирилган тажриба футболчиларимизга яқинда бошланадиган жаҳон чемпионатида анча қўл келади.

Яна бир жиҳати шундаки, терма жамоаларимиз шу кунга қадар фақат иккита нуфузли мусобақа - Осиё ўйинлари ва Мердека кубогида бош соврин эгаси бўлганди. Энди терма жамоамиз юртимизга Афро-Осиё ўйинлари чемпиони сифатида қайтмоқда.

## АБДУЛЛАНИНГ НАВБАТДАГИ ОЛТИН МЕДАЛИ

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот марказидан хабар беришларича, Жанубий Кореянинг Чунжу шаҳрида ўтган дзюдо бўйича Осиё чемпионатида вакилларимиз муваффақиятли иштирок этди.

Мамлакатимизнинг энг кучли полвонларидан бири - Абдулла Тангриев вазни 100 килограммдан зиёд дзюдочилар ўртасида қитъамизда тенгсиз эканини исботлади. Иқтидорли спортчи барча рақиблари курагини ерга теккизиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Оғирлиги 60 килограммли дзюдочилар баҳсида С.Зокиров фақат финалда рақибига имкониятни бой бериб, кумуш медални қўлга киритган бўлса, 90 килограмм вазн тоифасида В.Перетейко учинчи ўрин билан кифояланди. Аёллар беллашувида гиламга чиққан З.Жўраева ўз вазн тоифасида бронза медалга эга бўлди.

**(ЎзА)**

## САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### МАГАТЭ БОНГ УРМОҚДА

Атом энергетикаси бўйича Халқаро агентлик директори Францияда чиқадиган «Монд» газетаси мухбири билан қилган суҳбатида ўз ташкилоти билан келишиб қурилган ядровий объектлар устидан кўпбосқичли назорат ўрнатиш тўғрисидаги 1970 йилда имзоланган ядровий қуролларни тарқатмаслик борасидаги шартномани қайта кўриб чиқиш ва қатъийлаштириш тизилмасини яратиш лозимлигини таъкидлади.

МАГАТЭ раҳбарини икки нарса ташвишга солмоқда. Биринчидан, ядровий қурол террорчиларни борган сари қаттиқ қизиқтирмоқда. Иккинчидан, 35 дан тортиб 40 тагача давлатлар ядровий қурол яратиш имкониятларига эгадирлар, улар шартномадан бир ёқлама чиқиб, ўша имкониятлардан фойдаланишлари мумкин. Боз устига ҳозирги шартнома бойитилган уран ишлаб чиқаришни ёхуд бошқа ядровий материалларни сотиб олишни таъқиқламайди.

### ҲЕЧДАН КЎРА КЕЧ

Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида социалистик интернационалнинг XXII конгресси бўлиб ўтди. Унда 150 мамлакатдан келган социал-демократлар, социалистик ва ишчи партияларнинг вакиллари иштирок этдилар. Аммо бу ерга Буюк Британия бош вазири Тони Блэр, Польша ҳукумати бошлиғи Лешек Миллер, ГФР канцлери Герхард Шрёдерларнинг келмаганлиги анжуманни бироз хиралаштирди.

Ҳечдан кўра кеч қабилида иш кўрган конгресс қатнашчилари айни пайтда қатор мамлакатларда одамларнинг қашшоқлашиб бораётгани, БМТни нуфузли, демократик ва масъулиятли ташкилотга айлантириш, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш, Ироқда ҳокимиятни маҳаллий ҳукуматга топшириш сингари долзарб масалаларни муҳокама қилдилар. Қайта сайланган социнтери раиси Антониу Гутерриш маърузаси турли баҳсларга бой бўлди.

### БАРИБИР КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛМАДИ

Украина пойтахти Киев шаҳрида Украина ва Россия ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Музокараларда Таман соҳили ва Коса Тузла ороли ўртасида дамба қуриш масаласи муҳокама этилди. Бироқ ушбу муаммо юзасидан томонларнинг нуқтаи назарларини яқинлаштириб бўлмади. Қуриладиган иншоотларнинг экологик экспертизаси эртага ўтказиладиган музокараларнинг мавзуси бўлиши кутилмоқда. Коса Тузла атрофидаги чегараларда соқчилик нуқталари вужудга келтирилмоқда.

### ЎЗ ВАЗИФАСИГА КИРИШДИ

Куни кеча Озарбайжон пойтахти Бакуда мамлакат президентини расмий равишда президентлик курсисига ўтқазиш маросими (Инаугурация) бўлиб ўтди. Мамлакат сайлов комиссияси ҳисоб-китоб гуруҳининг маълумотларига қараганда, 15 октябрдаги сайловларда Илҳом Алиев учун аҳолининг 76,84 фоизи овоз берган.

Шуниси қизиқки, И.Алиев мазкур исм-шарифдаги учинчи шахсдир. Бундан аввалги давлат бошлиғи Ҳайдар Алиев эди. Ундан аввал эса мамлакатга Абулфаз Элчибей раҳбарлик қилган эди. Унинг асли исми-шарифи Алиев Абулфаз Қодирқул ўғли экан.

Инаугурация маросимида хорижлик 200 нафарга яқин меҳмонлар иштирок этдилар.

### ЙИҒЛАШ ФОЙДАЛИ ЭКАН

Кўз ёши тўкиш аёлларга хос, йиғлаш эркакларга уят, деган ақидани руҳшунослар ва невропатологлар эндиликда рад этмоқдалар. Франциялик мутахассисларнинг тадқиқотлари йиғи асло ожизлик эмас эканлигини кўрсатди. Бу жараён асаб тизилмасининг бирон бир ҳодисага муносабати экан, холос. Йиғланг, соғлом бўласиз, демоқдалар олимлар. Кўз ёшини кимёвий текширувдан ўтказган тажрибакорлар йиғи инсон аъзои-баданидаги барча ярамас унсурларни олиб чиқиб кетади, кучли асабийлашишни босади, деб ҳисобламоқдалар. Фақат ҳўнграмаслик ва ҳиқилламаслик лозим.

**Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди**

